



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Набиев Умиджон Бобоқулович

Эркин тадқиқотчи

nabievumid378@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-5038-9840>

ASSESSMENT OF CREDIT CAPACITY OF CUSTOMERS IN COMMERCIAL BANKS

Nabiyev Umidjon Bobokulovich

Freelance researcher

nabievumid378@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-5038-9840>

JEL Classification: G21, D53

Аннотация. Мақолада тижорат банкларида миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган. Кредит қўйилмалари ҳажмининг ошиши тижорат банкларида кредит қайтмаслик rischi паст бўлган энг мақбул қарз олувчиларни танлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Кредит riskини пасайтиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини чуқур таҳлил қилиши асосида аниқ ва тўлиқ баҳолаш методикасини яратиш зарурияти юзага келади. Тиждорат банклари амалиётида миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда бир қанча усул ва методлардан қойдаланиб келинмоқда. Ушбу усул ва методлардаги мавжуд камчиликларни қиёсий таҳлил қилиши асосида янги такомиллаштирилган метод ишлаб чиқиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтишига олиб келади. Миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг миллий ва хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлили амалга оширилган. Ушбу усул ва методлардаги мавжуд камчиликларни

қиёсий таҳлил қилиши асосида янги такомиллаштирилган метод ишлаб чиқиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтишига олиб келади.

Abstract. The article describes in detail the current procedure for assessing the creditworthiness of customers in commercial banks. The increase in the volume of loan deposits creates the need for commercial banks to select the most suitable borrowers with a low risk of loan default. One of the most important aspects of reducing credit risk is the need to create a clear and complete assessment methodology based on a deep analysis of the creditworthiness of enterprises. In the practice of commercial banks, several methods and methods are used to assess the creditworthiness of customers. The development of a new improved method based on a comparative analysis of existing shortcomings in these methods and methods will lead to timely and complete repayment of the loan. A comparative analysis of national and foreign experiences of assessing the creditworthiness of clients has been carried out. The development of a new improved method based on a comparative analysis of existing shortcomings in these

methods and methods will lead to timely and complete repayment of the loan.

Калим сўзлар. *Кредитга лаёқатлилик, баҳолаш мезони, коэффицентлар усули, кредит риски, кредит рискинни пасайтириши, перспектив таҳлил, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар, скоринг модели, электрон дастур.*

Keywords. *Creditworthiness, evaluation criteria, ratio method, credit risk, credit risk reduction, perspective analysis, financial indicators, non-financial indicators, scoring model, electronic program.*

Кириш. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омилларидан бирidir. Айниқса кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларида кенг ислохотларнинг амалга оширилиши келгусида барқарор ривожланишга замин яратиб бермоқда. Иқтисодиётимиз “локомотиви” бўлган банк тизимини янада такомиллаштириш бўйича қонун, қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши ушбу соҳанинг замон билан ҳамнафас ривожланишининг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” бўйича кенг миқёсда мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бандида “банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончилигини

мустаҳкамлаш, истиқболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш”га алоҳида эътибор қаратилган.

Республикамиз иқтисодиётида банк тизимига юқори эътибор қаратилиши натижасида ушбу соҳанинг барқарор ривожланиши корхоналар фаолиятида молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида қопланишини таъминлаб бериб келмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжнинг ўз вақтида қопланиши келгусида барқарор ривожланишига олиб келади. Тижорат банклари томонидан корхоналарнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини банк кредитлари ҳисобига қопланиши йилдан йилга ўсиб бораётганлиги ушбу соҳанинг ривожланиши қай даражада муҳим эканлигидан далолат беради.

Тижорат банклари томонидан корхоналарга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажмини йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Кредит қўйилмалари ҳажмининг ошиши тижорат банкларида кредит қайтмаслик риски паст бўлган энг мақбул қарз олувчиларни танлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Кредит рискинни пасайтиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини чуқур таҳлил қилиш асосида аниқ ва тўлиқ баҳолаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирidir.

Материал ва метод. Мавзуга оид адабиётлар таҳлиliga тўхталадиган бўлсак. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлиги таҳлили ва баҳолаш бўйича (Ендовицкий ва Бочарова, 2005), Компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлиги таҳлили (Ендовицкий ва бошқ., 2016), Қарз олувчининг кредитга

лаёқатлилигини баҳолаш
(Наумченкова, 2016),

Корхоналарнинг молиявий таҳлили (Лиференко, 2005), Банк иши (Абдуллаева, 2017), Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016), Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили (Рахимов, 2015), Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Маматов ва бошқ., 2016) илмий татқиқотларида мавзунинг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, мавжуд муаммони амалий ечими берилмаган. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Алимарданов, 2017) илмий мақоласида кредитга лаёқатлиликни баҳолашни коэффицентлар усулини, яъни 8 та коэффицентни тавсия этган. Коэффицентлар усули асосан корхонанинг молиявий жиҳатларига баҳо беради. Бунда коэффицентлар тугалланган давр кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини баҳолайди, аммо кредит келгуси давр учун ажратилади. Илмий мақолада эътибор қаратилиши зарур жиҳатлари:

- кредитга лаёқатлилик молиявий кўрсаткичлар асосида баҳоланган, яъни 8 та коэффицент корхонани молиявий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилиш имконини бермайди;

- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда номолиявий кўрсаткичларга эътибор қаратилмаган;

- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда перспектив таҳлил амалга оширилмаган;

- коэффицентлар усулини меъёр даражаси ва тезкор ҳисоблаш имконини

берадиган такомиллаштиришган дастур ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотимиз корхонанинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазибалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш, статистика ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

Натижалар. Бозор иқтисодиёти вужудга келгандан то ҳозирги даврга қадар кредит муносабатлари узлуксиз такомиллашиб ҳамда ривожланиб келмоқда ва бу жараён келгусида янада кенг кўламда давом этиш тавсифига эга. Чунки, кредит муносабатлари иқтисодиётда кўплаб бизнес субъектлар фаолиятини бошлашига, тўхтовсиз амалга оширишига ҳамда кенгайишига муҳим молиявий омил бўлмоқда.

Банк кредитлари ва ссудаларини жалб қилиш қайси мезонлар ва тартиблар асосида амалга оширилади? Бу борада, корхона ва тижорат банклари ўртасида бўладиган қарз муносабатларини йўлга қўйишда уларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш бош масаладир. Ҳар битта тижорат банки ўз мижозлари билан кредит муносабатлари юзасидан мустақил сиёсатини олиб боради. Лекин уларнинг барчасида битта муҳим жиҳатга, яъни корхонанинг кредитга лаёқатлилигини аниқ баҳолашга аҳамият қаратилмоғи лозим.

Республикамиз тижорат банкларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини

тахлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлар

асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда.

1-жадвал

Банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликини баҳолаш мезонлари

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф.(Кк)	$K_k > 2$	$2 > K_k > 1$	$1 > K_k$
2. Ликвидлилик коэф. (Лк)	$L_k > 1,5$	$1,5 > L_k > 1$	$1 > L_k$
3. Мухторлик коэф. (Мк)	$M_k > 60\%$	$60\% > M_k > 30\%$	$30\% > M_k$

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлиликини баҳолаш мезонларида кўйидаги бартараф этиладиган камчиликлар ҳамда такомиллаштирилиши талаб этиладиган умумий жиҳатлар мавжуд:

- коэффициентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффициентлар асосида корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- халқаро тажрибалар эътиборга олинмаганлиги.

Мазкур камчиликлар аналитик тарзда кўйидаги кўринишга эга.

1. Банклар амалиётида **қоплаш коэффициенти** жорий активларни (390 сатр) жорий мажбуриятларга (600 сатр) бўлиш орқали ҳисобланмоқда. Бунда жорий активлар таркибидан бир қатор актив турлари кредит тўлови учун маблағ бўла олмайди. Жумладан тайёр маҳсулот(товар)лар таркибидаги “талаб бўлмаган тайёр маҳсулот(товар)лар” қисми, келгуси давр харажатлари (190 сатр), кечиктирилган харажатлар (200 сатр), дебиторлик қарзлари таркибидан муддати ўтган дебиторлик қарзлари (211 сатр), ходимларга берилган бўнақлар (250 сатр), Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (270 сатр), Мақсадли давлат

жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (280 сатр), Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (290 сатр) каби жорий активлар кредит тўлаш учун маблағ бўлмаган жорий активлар ҳисобланади. Шу ва шу каби жиддий камчиликлар юқорида кўрсатилган барча коэффициентларда мавжуд.

2. Корхонанинг молиявий аҳволига учта коэффициент билан тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун корхонанинг молиявий аҳволини очиб берувчи бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади.

Шу каби ҳолатлар корхоналарни кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини бермаяпти.

Республикамиз банк соҳасидаги кредит муносабатларида амалга оширилаётган мижозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолашни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан мақсад мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир. Бу билан кредитга лаёқатли бўлган энг муносиб мижозларни танлаб олиш имконияти яратилади. Натижада эса кредит risksи сезиларли даражада камайишга эришилади.

Тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда энг самарали баҳолаш усулларидан бири скоринг модели ҳисобланади.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделининг афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модел мижозларнинг кредитга лаёқатлилигига аниқ, тўлиқ, кенг камровли баҳолаш имкониятини беради.

2. Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда нафақат молиявий кўрсаткичлар балки номолиявий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш имкониятини беради.

3. Кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш мезон(критерий)ларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқлиқни таъминлаш даражаси оширилди.

4. Халқаро тажрибалар баҳолаш жараёнида фойдаланиш имконини беради.

Мунозара. Тижорат банклари амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда бир қанча усул ва методлардан қойдаланиб келинмоқда. Ушбу усул ва методлардаги мавжуд камчиликларни қиёсий таҳлил қилиш асосида янги такомиллаштирилган метод ишлаб чиқиш кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтишига олиб келади.

2-жадвал

Корхоналарни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш усулларининг қиёсий таҳлили

Асосий жиҳатлари	Моделлар					
	PARTS	CAMPARI	Э.Рид модели	"С-1-6" қондаси	FICO скоринг баллари	Коэффициентлар усули
ари	Англия банкларида	Европа ва Америка банкларида	Америка банк амалиётида	Ғарб мамлакатларида	Америка ва Европада	Республика миз банк амалиётида
Ўрганиладиган кўрсаткичлар	Purpose - кредитнинг мақсади Amount кредит миқдори Repayment қарзни тўлаш Term муддати Security кредитнинг таъминланганлиги	Character репутация, мижознинг характери Ability кредитни қайтаришга қобиллик Margin маржа, даромадлиқ Purpose кредитларнинг мақсадли йўналишлари Amount кредит	Ликвидлик коэффициенти Айланиш коэффициенти Маблағларни жалб қилиш коэффициенти Фойдалилик ва рентабеллик коэффициенти	C1-character - қарз берувчининг бозордаги обрўси, унинг ҳолатини аниқлаш C2-capacity - қарз олувчининг фаолиятни якунига етказа олиши, тегишли даромадга эга бўлиши ҳамда олинган кредитларни қайтариб бера	Тўловлар тарихи 35% Жорий мажбуриятлар 30% Кредит тарихи ёши(муддати) 15% Қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги 10% Банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва	Қоплаш коэффициенти Ликвидлик коэффициенти Мухторлик коэффициенти

		<p>микдори Repayment кредитни қайтариш шартлари Insurance таъминланганлиги, кредитни қайтмаслик риски суғуртаси</p>		<p>олиш қобилияти C3-capital- қарз олувчининг сармоясининг етарлиги C4-conditions- бизнеснинг ривожланиши юзасидан шартлар C5-collateral- гаров C6-control- назорат</p>	<p>кредит турлари 10%</p>	
Асосий камчиликлари	<p>1.Молиявий кўрсаткичларга асосланмаган ёки қисман кўрилади. 2.Қўлланиладиган мезонларнинг ўзи корхонани баҳолаш учун етарли эмас.</p>	<p>1. Корхонанинг молиявий кўрсаткичларига қисман асосланади.</p>	<p>1. Номолиявий кўрсаткичлар асосий мезон сифатида қаралмайди. 2.Молиявий кўрсаткичларнинг ўзи етарли эмас.</p>	<p>1. Корхонанинг молиявий кўрсаткичларига қисман асосланади. 2.Корхона бизнес фаолиятини доимий назоратда ушлайди.</p>	<p>1. Молиявий кўрсаткичлар тоғ доирада ўрганилади. 2. Фақат пул оқими асосий кўрсаткич сифатида қаралмоқда. 3.Корхонанинг молиявий ҳолати ҳамда бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичларга эътибор олинмаган.</p>	<p>1. Қўлланилган мезонларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга етарли эмас. 2. Амалдаги кўрсаткичларнинг ҳисоблаш услубиётида жиддий камчиликлар мавжуд. 3. Номолиявий кўрсаткичлар тизимлаш</p>

						ирилган тартиб эга эмас.
Натижа	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.

Бундан кўринадики, ҳар бир усулнинг камчилиги, яъни эътибор қаратадиган жиҳати мавжуд.

Хулоса. Республикамиз банклари амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффицентлар усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларга қаратилмоқда. Коэффицентлар усулида молиявий кўрсаткичларни ушбу учта коэффицент билан тўлиқ очиқ бериш имкони мавжуд эмас. Қолаверса ушбу коэффицентларнинг ҳисоблаш усулидаги камчиликлари янада бу усулнинг ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб беради. Ушбу коэффицентлар усулининг яна бир камчилик жиҳати тугалланган давр маълумотлари асосида

баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир. Бунда келгуси фаолиятини олдиндан башоратлаш муҳим вазибалардан бири ҳисобланади. Банклар томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат номолиявий кўрсаткичлардир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг келгуси фаолияти барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Юқоридаги мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ва хориж тажрибасини мужассамлаштириб, кредитга лаёқатлилиқни баҳолашнинг скоринг моделини корхонанинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Ш.З. (2017) Банк иши. Дарслик.-Т.: "Iqtisod-Moliya".-732 б.
2. Абдуллаева Ш.З. (2017) Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнал. №1, 11 б.
3. Азизов У.Ў ва бошқалар. (2016) Банк иши.-Т.: "Фан ва технология", 640 б.
4. Алимардонов И.М. (2017) Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнал. №2, 6 б.
5. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. (2016) Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с.



6. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. (2005) Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : КНОРУС. - 272 с.
7. Лиференко Г.Н. (2005) Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, с. 160
8. Мавланов Н.Н. (2016) Корхона кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва уни комплекс таҳлилини такомиллаштириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнал. №3, 9 б.
9. Мавланов Н.Н. (2018) Сравнительная оценка современных концепций анализа кредитоспособности: научные подходы и практика. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнал. №1, 14 б.
10. Маматов Б.Ш., Қуллиев И.Я., Пулатова М.Б. (2016) Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миқозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.:Extremum-press,112 б.
11. Наумченкова Ю. В. (2016) Оценка кредитоспособности заемщика. Теория и практика современной науки. № 5. с.5
12. Рахимов М.Ю. (2015) Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Ўқув қўлланма.-Т.: "Иқтисод-Молия", 392 б.